УзССР Давлат китоб палатаси
Инв. №
Уз. ССР Давлат матбуот палатаси
12 1997

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 19 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 89 (6985)

Da'vat

Дўстлик—ҳаётдаги энг зарур нарса, чунки умри гарчанд роҳат-фароғатда ўтса ҳам ҳеч кимса ҳаётини дўстсиз ўтказишни истамайди.

АРАСТУ.

Ibrat

Яккабоғ туманидаги 1-ўрта мактабнинг ўқитувчиси Бухор Юсупов ўз илм даргоҳида шинам қилиб безатилган янги музей яратди. Жонкуяр муаллим бу жонли тарихдан гувоҳлик берувчи музейни очиш учун, қўшни туманлар бўлган Қамаши, Чироқчи, Ғузор, Қарши, ҳатто Сурхондарё вилоятидаги айрим ҳудудларда яшовчи туркий халқларнинг урф-одатлари, миллий маданияти, қишлоқ хўжалигига оид экспонатлар тўплади.

- **Ўзбекистон Президентининг Туркияга расмий ташрифи арафасида Анқарада Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг турк тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.**

- **Тошкентда БМТнинг иқлим ўзгариши муаммолари бўйича конвенция доирасида Марказий Осиё республикалари фаолиятига бағишланган халқаро семинари бўлиб ўтмоқда.**

- **Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўтказилган халқаро кенгашда «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмасининг Қорақалпоғистон бирлашмасига қарашли Халқобод ва Беруний пахта тозалаш корхоналаридан юборилган пахта толаси юқори баҳоланиб, ўзбек толасига «Сифат учун Халқаро Олтин юлдуз» соврини берилди.**

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича давлат комиссиясининг навбатдаги йиғилишида ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш ва даволаш масалалари кўриб чиқилди.**

- **Франция Президенти Жак Ширакнинг Вьетнамга қилган ташрифи давомида иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантириш, Вьетнам иқтисодиётига француз сармояларини жалб этиш масалалари муҳокама этилди.**

- **Европа Иттифоқи вакилларининг Брюсселда бўлиб ўтган учрашувида Туркияни ҳам бу иттифоқ таркибига қўшиш нияти борлиги айтилди.**

- **Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Раиси Ли Пэннинг Японияга ташрифи кун тартибга Шарқий Хитой денгизидаги Сенкаку ороли билан боғлиқ муаммолар муҳокамаси ҳам киритилган.**

- **БУЮК Британия Бош вазири Тони Блэр молия вазири Гордон Браунниг ўз мамлакати ягона Европа валюта иттифоқига қўшилиши лозимлиги ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлаб, бу Европа учун тараққиёт дебочаси бўлишини таъкидлади.**

O'zbekiston — Turkiya

УМИДБАХШ ТАШРИФ

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг таклифига биноан Туркия Республикасига ташрифи 17 ноябрь куни бошланди. Президентимиз Анқарага жўнаб кетиши олдидан журналистлар билан бўлган учрашувда мазкур ташрифдан кўзланган мақсад хусусида тўхталиб, жумладан шундай деди:

— Туркия Узбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб эътироф этган ва биринчилар қаторида биз билан дипломатия муносабатларини ўрнатган давлатдир. Ушбу сафардан мақсад, Узбекистон билан Туркия ўртасидаги мавжуд алоқаларни янги босқичга кўтаришдан иборат. Туркия ҳукумати билан ўтказилажак расмий учрашувлар ва музокаралар якунида сиёсий ва иқтисодий алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш, божхона, соғлиқни сақлаш ҳамда сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги талай ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда. Бундан ташқари, сафар давомида Туркиядаги йирик банклар, фирма ва компаниялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказиш кўзда тутилган. Бу мулоқотларда Узбекистонга Туркия сармояси жалб этилишини янада фаоллаштириш, янги қўшма корхоналар ташкил этиш масалалари муҳокама қилинади. Шунингдек, Узбекистонда Туркия технологияси асосида автобус ишлаб чиқарадиган завод қурилишини тезлаштириш масаласи ҳам кўрилади.

Шу куниёқ мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегация Туркия пойтахти Анқарага етиб келди. Узбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовни Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл илиқ кутиб олди. «Эсенбўға» аэропортида бўлиб ўтган расмий қутиб олиш маросимидан сўнг Президентлар оммавий ахборот воситалари учун қисқача баёнот беришди. Унда Ислом Каримовнинг Туркияга ташрифи барча соҳалардаги ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилажагига умид билдирилди.

Шундан сўнг Туркия Республикаси Президентининг қароргоҳида Ислом Каримов ва Сулаймон Демирэл ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркия Республикасига расмий ташрифи бугун ўз ниҳоясига етади.

УЗУНДА РЕСПУБЛИКА СЕМИНАРИ

Бугун «Таълим муассасалари фаолиятини ва ўқувчилар билимини диагностик таҳлил этиш бўйича Сурхондарё вилоят Узун туман умумтаълим мактабларида олиб борилаётган иш тажрибасидан» мавзуидаги республика семинар-кенгашининг ялпи мажлиси бўлиб ўтади.

Кеча семинар иштирокчилари Узун, Сариосиё туманларидаги ва Шарғун шаҳридаги умумтаълим мактаблари, лицей ва гимназиялари иш фаолиятлари билан танишдилар. Семинар-кенгаш ҳақида батафсил ахборотни газетамизнинг кейинги сонларида ўқишингиз мумкин.

МУХБИРИМИЗ.

ТАНЛАШНИ БИЛАСИЗМИ? 2-БЕТ.

ШОИР-ТАБИАТ ХАЛҚМИЗ 3-БЕТ.

O'zbekiston — Ukraina

ЙЎЛЛАР УЗОҚ, КЎНГИЛЛАР ЯҚИН

Эшитмадим деманглар, юртимизда катта бир шодиёна — Украина маданият кунлари бошланди.

Гапнинг сирасини айтганда, бу кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгилик эмас. Чунки украин халқи билан азалдан яхшигина борди — келдимиз бор. Айниқса, маданий соҳада қўлни-қўлга бериб, чин дўстона ҳамкорликлар қилганмиз. Машҳур ўзбек шоирлари Ҳамид Олимжоннинг «Роксананинг кўз ёшлари» достонини, Уйғуннинг бир талай туркум шеърларини эслашнинг ўзи кифоя. Зеро, бу ёркин бадиий асарларда ўзбек ва украин халқлари ўртасидаги самимий дўстлик, қардошлик мадҳ этилган.

Мана бугун украин биродарларимиз яна юртимизга ташриф буюришди. Аммо бу галги учрашув ўзига хос, айрича. Чунки ҳар иккала диёр — Узбекистон ва Украина мустақиллик ҳавосидан энтикиб нафас олаётган, уларнинг қудратини аҳли дунё тан олаётган бир пайтда ушбу маданият кунлари бўлиб ўтмоқда.

Украина маданият кунлари куни кеча пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида тантанали очилди. Республика Бош вазири Ў. Султонов украиналик меҳмонларни давлатимиз раҳбари И. Каримов ва Узбекистон ҳукумати номидан табриклади. Украина Бош вазирининг ўринбосари, делегация раҳбари В. Смолий дўст халқ маданият арбоблари ва санъаткорларни самимий кутиб олинганлиги учун миннатдорчилик билдирди.

Тантанали маросимда Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, К. Раҳимов, М. Усмонов, Р. Юнусов, Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов қатнашди.

Шу куни Узбекистонда Украина маданияти кунлари қатнашчилари Узбекистон Миллий боғида бўлиб, мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Л. БЎРИЕВ.



Voqea

«МАЪНАВИЯТ»НИНГ МАЪРИФИЙ ИБРАТЛАРИ

Яқинда бир йиллигини нишонлаганимиз — республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказида яна бир арзигулик воқеа содир бўлди. «Маънавият» нашриётининг 10 га яқин илк китоблари жамоатчиликка тақдим этилди.

Илк нашрлар маънавиятимиз сарчашмаларидан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган давр зиёлилари қаламига мансуб. «Комил инсон ҳақида тўрт рисола» деб аталмиш китобда тўрт улуғ мутафаккир — Фариддиддин Атторнинг «Илоҳийнома»си ва «Мантиқут тайр» достонидан айрим қисмлар, Султон Валаднинг «Маориф» рисоласи, Азизиддин Насафийнинг «Зубдатул Ҳақойиқ», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний» асарлари ўрин олган. Муаллифлари ва номланишидан кўриниб турибдики, улар тасаввуф илмига бағишланган асарлардир. Мазкур асарларни форс-тожик тилидан филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин КОМИЛОВ ўгирган. Савоб иш бўлибди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий «Танланган асарлар»ининг чоп этила бошлангани ҳам савобли иш бўлибди. Яна бир заҳматкаш олимимиз — филология фанлари доктори, профессор Бегали ҚОСИМОВ нашрга тайёрлаган бу китобда Ватан озодлиги учун қайғурган жадид бобомиз Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙнинг «Падаркуш» драмаси, «Оқ елпоғичли Чинли хотун» ҳикояси ва озодликни соғиниб ёзган қатор мақолалари ўрин олган. Садриддин Айний, Ҳожи Муинлар кўнглидаги Беҳбудий асарларини тўплаб чоп этиш орзусини олимимиз ва албатта «Маънавият» нашриёти амалга оширганлиги таҳсинга лойиқдир.

Марҳум ёзувчимиз Асқад МУХТОРнинг «Уйқу қочганда» номли тундаликларида ҳам ёзувчи умрининг сўнгги давридаги ўйлаган фикрларини — бир умр ҳулосаларини ўқишимиз мумкин.

Шунингдек, ушбу нашриёт Узбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Савоб» деб номланган шеърий тўпламини ҳам нашр этган. Ундан шоирнинг Дунё ва Вақт, инсон маънавияти ҳақидаги асарлари ҳамда энг янги шеърлари ўрин олган.

Абдураҳмон ЭРКАЕВнинг «Маънавият — миллат нишони» номли китоби ҳам маънавият тушунчаси ва моҳиятини таҳлил этган ўзига хос аҳамиятли асардир. Р. ВОҲИДОВ ҳамда М. МАҲМУДОВнинг «Маънавият — комиллик саодати» деб номланган китоби ҳам Алишер Навоий асарларининг комил инсон тарбиясидаги ўрни ҳақида чуқур мушоҳадали ғояларни илгари сурганлиги билан қимматлидир. Бу китобларнинг ҳар бири алоҳида таҳлилга, эътиборга лойиқдир.

Тақдимот маросимини олиб борган республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази директори Неъмат АМИНОВ, илк рисолаларнинг муаллиф, тўпловчи ва таржимонлари — Нажмиддин КОМИЛОВ, Абдураҳмон ЭРКАЕВ, Узбекистон Давлат Матбуот қўмитаси раисининг ўринбосари Омон МАТЖОН, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири Иброҳим ҒАФУРОВлар амалга оширилган бу эзгу ишларнинг аҳамияти, Президент ва ҳукуматнинг эътибори ҳақида илиқ фикрларини билдирдилар.

«Маънавият» нашриётининг директори Суннатулла АҲМЕДОВ келгусида бундай хайрли тадбирлар давом этиши, бу ишда нашриёт ходимлари қўлларидан келадиган барча ишларни амалга ошириш тўғрисида сўзладилар.





Bizga javob beradilar

«НАВОИЙНИНГ ФИКРИ НОТЎҒРИМИ?»

«Маърифат», 5 ноябрь 1997 йил

Ҳурматли таҳририят!

Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси шуни маълум қиладики, «Маърифат» газетасининг 1997 йил 5 ноябрь сонидаги «Навоийнинг фикри нотўғрими?» мақоласи бошқарма жамоаси ҳамда туман, шаҳар халқ таълими бўлими мудирлари билан муҳокама қилинди.

Мақолада вилоят халқ таълими муассасалари, ўқитувчи ва ўқувчиларининг газета ва журналларга обуна бўлмаганлиги тўғри танқид этилган. Мақолада билдирилган танқидий фикрлар юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Натижада ўқитувчи ва ўқувчиларнинг газета ҳамда журналларга обуна бўлиши анча яхшиланди, яъни 14 ноябргача ўқитувчиларимиз «Маърифат» газетасига 518, «Учитель Узбекистана»га 222 нусхада; журналлардан «Тил ва адабиёт таълими»га 200, «Бошланғич таълим»га 305, «Халқ таълими»га 296, «Соғлом авлод учун»га 103 нусхада, шунингдек ўқувчилар ҳам «Тонг юлдузи» газетасига 264, «Ғунча» журналига 972, «Гулхан» журналига 842, «Солнышко» газетасига 79 нусхада обуна бўлдилар.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бундан буён ҳам обуна бўйича фаол иш олиб боради деб ишонтиради.

М. АДИЗОВА,
Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

ТЕЛЕГРАММА

Наманган туман ҳокимлиги халқ таълими бўлимига қарашли 42 та мактаб, 22 та боғча, 4 та мактабдан ташқари муассасалар, улардаги педагогик ходимлар халқ таълими тизимидаги рўзнома ва ойномаларга 1998 йил учун обуна қилишни ҳамжиҳатлик билан уюштирмоқдалар. Ҳозирга қадар жами «Маърифат» газетасига 758 та, «Бошланғич таълим»га 110 та, «Ғунча»га 2010 та, «Гулхан» журналига 1220 та, «Тонг юлдузи»га 450 та обуна бўлинди. 3, 13, 14, 22, 26-мактаб жамоалари фаоллик кўрсатмоқдалар.

Т. ҲАСАНОВ,
Наманган туман халқ таълими бўлими мудири.
15 ноябрь 1997 йил.

ИККИ МАКТУБГА МУНОСАБАТ

Аввало Навоий вилояти халқ таълими бошқармасининг жавоби у ерда ишга киришилганидан дарак бергандек бўлди. Бироқ жавоб хатидаги рақамлар биз матбуот тарқатиш марказидан 14 ноябрга қадар олган маълумотга унчалик мос тушмади. Бизнинг маълумотимизда «Маърифат»га 289 та (518 та эмас), «Учитель Узбекистана»га 59 та (222 та эмас) ва ҳоказо. ХТБ бошлиғи келтирилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлигини алоқа бўлими орқали аниқлаштирсалар, айни муддао бўлур эди. Наманган туманидан келган телеграммадаги рақамлар Навоий вилоятиникидан бир неча баробар юқори. Бу рақамларга маълум маънода ишонса бўлади. Негаки Наманган вилоятида, масалан, «Маърифат»га 2,5 мингга яқин обуна бўлинган. Вилоят обунасининг тўртдан бир қисми бир туманга тўғри келяпти.

Бироқ биз яна авалги таклифларимизни такрорлашни истар эдик. Якка обуначилар ўзлари учун обуна бўлишади. Аммо ташкилотларнинг обунаси, фикримизча, янада фойдалироқдир. Аввало ташкилотнинг бир йиллик обунаси газетанинг узлуксиз олиниши ва у ерда (қабулхонада, кутубхонада, ўқитувчилар хонасида) тахлам бўлиб туриши нашрнинг фойдалилик даражасини оширади.

Халқ таълими муассасаларининг, яъни ташкилотларнинг «Маърифат»га обунаси Бухоро вилоятида 574, Самарқандда 497, Андижонда 350 нусхадан юқори бўлса, Навоий вилоятда 27, Фарғонада 45, Сирдарёда 71, Сурхондарёда 85 нусха обуна бўлинган. Жиззах вилоятида эса «рекорд» натижа — 0.

Бу рақамлар вилоятлардаги мавжуд халқ таълими муассасалари сонига нисбат қилиниши керакдек.

MMM ХАБАРЛАРИ

ТАБИАТНИ АСРАНГ!

«Табиатга нисбатан қанча шафқатсизлик қилсак, у биздан шунчалик шафқатсиз ўч олади» — деган эди буюк файласуфлардан бири. Шундай бўлди ҳам. Экология долзарб муаммога айланди.

Мирзо Улуғбек туманидаги 275-ўрта мактабда мактабларо «Табиатни асранг!» мавзусида ўтказилган қурик танловдан ҳам мақсад ўқувчиларни бундан огоҳ этиш, табиатни авайлаб-асрашга ундаш бўлди.

Тадбирга шу мактабнинг химия-биология фани ўқитувчилари О. Даутова, Шамсиддинова, Ш. Абдусатторова ташкилотчилик қилишди.

Танловда экологияга оид савол-жавоблар, кичик саҳна кўринишлари, стенд, альбом, реферат, гуллар кўргазмаси намойиш этилди. Курик-танлов ниҳоясида ғолиблар аниқланди. I ўрин 222-мактабга, II ўрин 308 ва III ўрин 275-мактабларга насиб этди.

«G'UNCHA» — YANGI ALIFBODA

Respublikamizda kelgusi — 1998-99 o'quv yilidan umum ta'lim maktablarimizning 1-V sinflarida barcha o'quv fanlari yangi o'zbek alifbosi va imlosi bo'yicha o'qitila boshlanadi. Shu munosabati bilan bog'cha bolalari va boshlang'ich sinf o'quvchilarimizning sevimli jurnali «G'uncha»ning 1998 yildan boshlab barcha sonlari yangi alifbo va imloda nashr etila boshlanadi.

Jurnalning yangi yildagi sonlarining mazmunmundarijasi ko'pchiligimizni qiziqtirishi tabiiy. Xuddi ana shu maqsadda O'zR XTV maktabgacha tarbiya xodimlarininh malakasini oshirish bo'yicha doimiy ishlab turguvchi respublika kursi tinglovchilari — bog'cha mudi'ra, metodistlar, tarbiyachilar va hamshiralarining «G'uncha» jurnalining bosh muharriri, jurnalist, bolalari yozuvchisi Erkin Malikov bilan uchrashyvi bo'lib o'tdi.

Uchrashuvda jurnal muharriri, yangi yilda jurnal sahifalarida yoritiladigan materiallar bilan batafsil tanishtirdi.

Bunday uchrashuvlar jurnal mushtariylari sonning yil sayin ko'payib borishiga ko'maklashishi shubhasizdir.

Sunnatulla RIZAYEV.

Ҳурматли муштарийлар!

«МАЪРИФАТ»га

1998 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна индекси:
Якка обуначилар учун — 149
Ташкилотлар учун — 150.

ЁҚИМЛИ ИШТАҲА

Яккабоғ туманидаги 1-ўрта мактабнинг география-биология фани ўқитувчиси Алишер Муҳаммадиевнинг саъй-ҳаракатлари билан ушбу даргоҳда хусусий ошхона иш бошлаган эди. Шундан бери ошхонада А. Муҳаммадиев ва унинг турмуш ўртоғи Ҳадича Боймирзаевалар мактаб жамоасига арзон нархда турли ўзбек миллий таомларидан тайёрлаб бериб, ҳўрандалар олқишига сазовор бўлишмоқда. Шунингдек ошхонадан тушаётган даромад ҳисобидан ҳар ойда 1000 сўм маблағ мактабнинг ҳисоб рақамига ўтказилаётир.

Бу маблағ эса мактабда турли тадбирлар ўтказиш, иқтидорли ўқувчиларга стипендия тўлашга сарф қилиняпти.

Хайрулла ТЎРАЕВ.

MMM ХАБАРЛАРИ

18 noyabr — Xalqaro talabalar kuni

ТАЛАБАГА ТАЛАБЛАР

Талабалик йилларини олтин даврга қиёслашади. Нега? Инсон умрининг ёшлик дамларига тўғри келар экан, уни олтинга тенглаш ҳам кам.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси мажлислар залига тўпланган ораста йигит-қизларга қараб туриб, кишининг ҳаваси келади. Уларнинг барчаси олий ўқув юртларида ўқишади. Аълочи, жамоатчи, фикрлаш бобида эса тенгдошларини доғда қолдирадилар. Айримлари Президент стипендиантлари, аксарияти эса улуғ мутафаккир ва алломалар номидаги стипендия совриндорлари.

Бу ерга йиғилганлар халқаро талабалар кунини нишонлаш учун келишди. Республика Касаба Уюшмалари федерацияси Кенгаши Раисининг ўринбосари Озода Муҳиддинова анжуманни оча туриб, ёшларни сана муносабати билан қутлади. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Иброҳим Абдуғаниев халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султоновга сўз берди.

— Биз дунёнинг жуда кўпгина давлатларида, Америка, Италия, Австрия, Чехословакия, Россия, Белоруссия каби мамлакатларда бўлдик, — деди жумладан Муртазо Султонов. — Лекин уларнинг бирортасида Ўзбекистондагичалик мактаб ва таълим муассасалари қурилишига эътиборни кўрмадик. Бир йилда 200-250 та мактаб қурилиши бошланиб, қисқа муддатларда ишга туширилаётгани давлатимиз-нинг ёш авлод тақдирига катта эътибор билан қараётганини кўрсатиб турибди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» ҳам ана шу мақсад билан узвий боғлиқ.

Буларнинг барчаси, сиз азиз ёшларнинг порлоқ келажагингизга қаратилган. Сизда ўқиш, ўрганиш, интилиш имкони мавжуд. Ана шу имкон сизнинг ҳаёт йўлингизни ёритади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Убайдулла Усмонов сўзга чиқар экан, теша тегмаган ибора айтиб, анжуман иштирокчиларининг диққатини жалб қилди:

— Сиз Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 50 минг талабанинг «қаймоғи»сиз. Ҳар қандай талаба ҳам Президентимиз таъсис этган стипендияларга сазовор бўлолмайди. Ўқишингиз, ҳулқингиз, дунёқарашингиздаги аъло жиҳатлар сизни ана шундай мартабага эриштирди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ёшларнинг хорижий давлатларда ўқиб, билим олишлари учун қайғуриб, имконият яратмоқда. Бу йил 160 нафар йигит-қизларимизни дунёнинг энг ривожланган давлатлари — Америка, Англия, Франция, Германия, Японияда университетларга ўқишга жўнатдик. Бу шунчаки гап эмас, ахир!

Талабалар жамғармаси раиси Ғайрат Ёқубов йиғилганлар олдида сўзга чиқар экан, ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялашга доир ўз фикрларини ўртага ташлади.

Йигит-қизларга топширилган эсдалик совғалари уларнинг қалбларини тўлқинлантирди. Уларнинг айримлари ҳаяжон билан минбарга кўтарилиб, дил изҳорларини тўкишди.

Газетамиз учун эса Тошкент Давлат Шарқшунослик институти 5-курс толибаси Санамхон Мирзалиева учтўрт жумлалик интервью берди:

— Президент стипендианти бўлишим менга жуда катта масъулият юклайди. Ён-атрофдаги тенгқурларим, ўқитувчи-мураббийларим олдида, қолаверса, Ватаним, халқим олдида бу номни оқлашга бурчлиман. Ўқишим ниҳоялаб қолди. Энди юрт, Ватан хизматига ҳар қачон тайёр туришим керак.

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институти дефектология факультети сурдо бўлими IV курс талабаси Заҳро Маҳмудованинг ҳам ҳаяжони чексиз эди.

— Хурсандман. Мен улуғ шоиримиз Алишер Навоий номидаги стипендия совриндориман. Гап оширилган стипендияда эмас, ана шу номни мумкин қадар оқлашда, шунга муносиб бўлишда. Мени ҳар қачон улуғ бобомизнинг руҳлари қўллаб-қувватлаб тургандек бўлади.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА.
В. Кириллов олган суратлар.



Tajriba, sinov, natija

ТАНЛАШНИ БИЛАМИЗМИ?

Мустақил Узбекистоннинг ривожланишида кадрлар масаласи муҳим аҳамият касб этади. Кадрлар тайёрлашдаги долзарб ва катта истиқболий йўналишлардан бири мактаб ўқувчилари орасидан истеъдодли, зукко болаларни саралаб олиб, уларни махсус мактабларда бойитилган, мазмунли ва маълум касб-ҳунарга йўналтирувчи дастурлар асосида ўқитиш, уларга қўрқмай кенг имтиёзлар бериб, тез орада халқ хўжалигининг турли соҳалари учун малакали мутахассислар етиштиришдир.

Маълумки, махсус мактабларга ёки олий ўқув юртларига болаларни танлаш, қайси болани умумтаълим мактабида қолдириш, қайси болани қобилиятли ҳисоблаб махсус мактабларга жўнатишда жуда кўп муаммолар мавжуд. Бу соҳадаги муаммоларни мактаб ўқитувчилари, отаоналар тўғри ҳал этишида хатоликларга йўл қўйиши аниқ. Масалан, боланинг баҳоларига қараб танлаш ёки бирон бир раҳбарнинг ўғли ёки қизига илтифот кўрсатиш мақсадида танлаш каби ҳоллар ҳаётда ҳалигача учраб туради. Бу усулда танлаганда биз ҳақиқий зукко, тафаккури баланд болаларни четлаб ўтиб, бошқа хусусиятларга эга бўлган, яъни баъзан лоқайд, ўз устида ишламайдиган ва умуман ишлашни хоҳламайдиган, касбни тез-тез ўзгартирадиган, лаёқатсиз, айёр, сохта маълумотли болаларни йиғиб олиш каби катта хатога йўл қўйишимиз мумкин. Шуни ҳам очиқ айтишимиз керакки, ҳаётимиздаги баъзи бир лаганбардор, кузбўямачи, сафсатабоз, саводсиз раҳбарлар ёки жавобгар шахслар кўпинча бировнинг ёрдами билан, ошна-оғайнигарчилик билан турмуш жараёнида «танланилиб» келинган.

Демократик, ҳуқуқий, ривожланган мамлакатни тезроқ қуриш учун зукко, доно ва ақлли кадрлар зарур. Шу боисдан 1995 йилдан бошлаб Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошида Истеъдод маркази фаолият кўрсатмоқда. Бунга профессор Ботир Қодиров раҳбарлик қилмоқда. Республика Истеъдод марказининг вилоятларда филиаллари бўлиб, улар жойларда «Ёш истеъдодларни излаш» масалалари билан шуғулланишяпти.

Инсоннинг ҳаёт тарзи унинг кимлигини белгилайди. Шу сабабли ахлоқан соф, мантиқий тафаккури кучли, ақлий маданияти юқори болаларни махсус ўқитиш ва уларга қўпроқ умид боғлаш келгусида янада муҳимроқ иқтисодий, илмий ва ижтимоий масалаларни тўғри ҳал этишнинг заминидир. Тарихимиздан маълумки, узбек авлодини жаҳонга кўз-кўз қила оладиган кишилар — бу истеъдодли, зукко, уз ишининг кузини билиб бажарадиган қули гул, уз соҳасининг моҳир мутахассисларидир. Лекин мутахассис бўлиш учун диплом эмас, балки биринчи навбатда шу соҳанинг устаси бўлиш керак, яъни уша соҳага ҳаваси, лаёқати ва маълум даражада ривожланган қобилияти керак. Афсуски, бу сифатлар оз бўлса-да, боланинг узида бўлмаса, олий ўқув юртларида ҳам бу сифатларни орттира олмайди. Бас, шундай экан, доно, тетик, ақли расо болаларни асосли равишда танлашимиз ва уларнинг лаёқат йўналишлари, қобилиятларига қараб у ёки бу соҳага, касбга йўналтиришимиз керак.

Фикримизча, биринчи босқич танлаш услубини барча ўқитувчи ва педагог ходимларга вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтининг курсларида ўргатиш зарур. Агар биринчи босқич танлаш қанчалик адолатли, аниқ ва тўғри ташкил этилса, иккинчи босқичда янада зукко, доно ва ақлли болаларни саралаш шунча сифатли бўлади.

Иккинчи босқич, яъни психологик (руҳий) танловни республика Истеъдод марказининг ходимлари ўтказади ва статистик ишловлардан сўнг турли қобилият ва лаёқатлар бўйича истеъдодлар аниқланади. Булар қуйидагилар: техник қобилиятлилар, аниқ фанларга қизиқувчилар, бадиий санъатга, ижтимоий фанларга ва ҳоказо.

1996-1997 ўқув йилида вилоятимизнинг 8-, 9- ва 11-синфларидан биринчи танловга 30323 нафар ўқувчи иштирок этди, бу эса шу синфлардаги барча ўқувчиларнинг атиги 30 фоизини ташкил этади. Албатта, бунинг ҳам узрли ва узрсиз сабаблари бор. Биринчи ўринда кўпчилик ҳурматли ўқитувчиларимиз, синф ва мактаб раҳбарларининг истеъдодларни излашга қизиқиши ва эътибори паст. Иккинчидан, жойлардаги халқ таълими бўлимлари ходимларининг бу масалага жиддий ёндашишмаётганлигида деб тушунамиз. Қолаверса, баъзи ташкилий, услубий ва илмий тушунчалар етишмаслигидандир.

Биринчи танлов натижалари асосида иккинчи психологик (руҳий) танловга вилоятимизнинг 873 нафар 8-, 9- ва 11-синф ўқувчилари иштирок этдилар ва улар истеъдод, лаёқат ва қобилият соҳалари бўйича қуйидаги натижаларга эга бўлди. Ўтказилган психологик танловлар натижасида Самарқанд кооператив институти ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти қошида ташкил этилган лицейларга 9-синф ўқувчиларидан энг зеҳнлилари (31 нафар) тавсия этилди. Руҳий (психологик) танлов натижалари асосида 9-синфлардан умуман барча лицейларга энг истеъдодли 29 нафар ўқувчи тавсия этилди. 1997 йил 2-танлов натижасида вилоятимиз бўйича энг зеҳнли ва техник қобилияти баланд бўлган 36 нафар ўқувчи аниқланди. Президентимизнинг ва Вазирлар Маҳкамасининг ёшларга ғамхўрлигини ҳисобга олиб, истеъдодлилар учун махсус оромгоҳлар ташкил этилмоқда.

9-синфлар бўйича энг зеҳнли, лаёқатли, техник қобилияти ва аниқ фанларга қизиқиши, мойиллиги юқори бўлган қуйидаги ўқувчиларнинг номларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим: Термиз шаҳридаги 7-мактаб 9-«Г» синф ўқувчиси Комила Қорёғдиева, Термиз туманидаги 11-мактабнинг ўқувчилари Отабек Қулматов, Отабек Бобомуродов, Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактабнинг ўқувчилари Жавдот Латипов, Акром Қиёмов, Хуршид Омонов, Улуғбек Маматов, Улуғбек Нормуродов.

Иккинчи босқич танлов натижалари асосида бир қатор 11-синф ўқувчиларига лаёқати, қобилияти ҳисобга олиниб, олий ўқув юртларига тавсия гувоҳномалари берилди.

Мустақил республикамизнинг келажаги ёшлар қўлида деганидек, агар биз истеъдодли ёшларни тўғри танласак, албатта, Ватанимиз ривожланишига уз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

А.ЖУМАНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Истеъдод маркази Сурхондарё вилоят филиалининг бошлиғи.

ҲИКМАТЛАР

Луқмон Ҳакимдан сўрадиларки, дўст яхшими ёки ака-уками? У деди: «Ака уканг дўст бўлса, энг яхшиси шу».

***

Луқмон Ҳакимдан сўрадиларки, «нима у ширидирки охири аччиқ бўлгай»? У жавоб берди: «Шошма-пошарлик!» Яна сўрадилар: «нима у аччиқдирки охири ширин бўлгай?» Деди: «Сабр».

Икки гадо садақа олиш учун бир киши ҳовлиси эшигига боришди. Эшик орқасидан уй эгасининг ўз хизматкорига бақириб гапираётгани эшитилди: «Гугурт чўпини нега таплаб юбординг? Уни олиб қўйиш керак эди, зора бирор ишга ярарди».

Гадойлар бир-бирига қараб деди: «Қандай кишининг олдига келдик? Бу киши гугуртнинг бир чўпи учун шунча қаттиқчилик қилдими, ҳеч маҳал садақа беришни истамайди». Шу аснода уй эгаси эшик очиб сўради: «Нима хоҳлайсизлар?» Гадойлар унга ўз мақсадларини айтдилар. У тезда уйга кириб, минг туман пул олиб чиқиб уларга берди. Гадойлар кўп тааҳжубландилар ва ундан сўрадилар: «Сиз гугурт чўпидан ҳам кечмаган эдингиз-ку?» Уй эгаси деди: «Агар мен у хилда тежамкорлик қилмасам, бу қадар сахий ва очиққўллик ҳам қилмасдим».

***

Чумоли минг бир машаққат билан хирмондан дон олиб келарди. Бир қуш у ердан ўтиб қолди. Чумолини кўрдики, у машаққат билан донларни кўтариб, уларни зўрга таширди. Қуш унга деди: «Эй заиф чумоли, бу қандай ишки, уни бажараяпсан?» Чумоли деди: «Мен қиш учун озуқа тайёрлаб қўйяпман ва бу ҳамма донларни ташимоқчиман». Қуш деди: «Сен заиф ҳолингда бу ишга қандай аҳд қилдинг?» Чумоли жавоб берди: «Ҳар ким саъй-ҳаракат қилса, ўз мақсадига еттусидир».

***

Луқмон Ҳаким чўлда кетиб борарди. Узоқдан бир кишини кўриб қолди. У киши яқин келиб Луқмондан сўради: «Яна неча соатдан сўнг шаҳарга етиш мумкин?»

Луқмон деди: «Йўл юргин». У киши деди: «Агар эшитмаган бўлсангиз яна сўрайман, яна неча соатдан сўнг шаҳарга етиш мумкин?» Яна Луқмон жавоб берди: «Йўл юргин».

У киши ўзича яқинимдаги одам телба экан деб ўйлади. Бошқа сўз демай йўлга тушди. Бир неча қадам узоқлашган эди, Луқмон гапириб қолди: «Яна икки соатдан сўнг етиб борасан».

У киши қайтиб келиб сўради: «Нега аввал жавоб бермадингиз?»

Луқмон деди: «Чунки сенинг йўл юрганингни кўрганим йўқ эди, билмасдимки тез юрасанми ёки секинми? Ҳозир ҳисоблаб кўрдим ва билдимки яна икки соатдан сўнг шаҳарга етиб борасан».

Форсчадан Норали АСЛОН таржимаси.

ЧИРОҚЧИНИНГ КЕЛАЖАК ЧИРОҚЛАРИ

«УЛУҒБЕК»ДАГИ УЛУҒ ИШЛАР

«Чироқчида Улуғбек номи билан аталувчи мактовга лойиқ боғча-гимназия комплекси ташкил этилиб, иш бошлади...» Мининг бу хушхабарни эшитганимгаям сал кам бир йил бўлиб қолди-ёв. «Насиб бўлса, бир айланиб кўриб ўтаман» деб ният қилгандим ушанда. Ниятим холис бўлиб чиқди, яқинда «Улуғбек»да бўлдим.

Боғча-гимназия комплекси остонасини ҳатлаб ўтишим ҳамоно мусаффо Чироқчи осмони остида, очиқ ҳавода турли машқлар бажаришаётган бир-биридан ширин кичкинтойлар гуруҳига дуч келдим.

Беихтиёр ўзимнинг ҳам болалик онларим хаёлимда тикланди... Бир нафас бўлса-да ширин хаёллар оғушида дам олгандай бўлдим. Эҳ, болалик йиллари... Топқирлик, зийраклик, ўта кузатувчанлик йиллари...

— Исмингни айт? — дейман ширингина бир болага.

— Исмим Шерзод! — дейди у. Яна сўрайман:

— Шерзоджон, сен қаерда яшайсан?

— Ўзбекистонда! — дейди у. Беихтиёр руҳланиб кетаман. Ҳа, у Узбекистонда, Узбекистон эса унинг қуксида уриб турган жажжи юракчасида яшайди. Унинг табаррук Ўзбекистони ана шу Чироқчидан бошланади...

Хона ва залларни, теварак атрофни айланаман. Орасталик ва тозалик, миллий қадриятларимиз бўртиб турибди. Дарҳақиқат, ўтган қисқа вақт ичида «Улуғбек»да ўша жойнинг атрофини ўраб, катта бир тепа ясашибди. Нега? Ахир у ерга нон ушоғи тушди-да. Агар улар шундай қилишмаса яна кимдир ўтаётганда нон ушоғини босиб кетиши мумкин-да.

Карвон аҳлининг бу ишидан Оллоҳ-Таоло хурсанд бўлибди, уларнинг ишларига ривож тилабди. Алқисса, шундан сўнг карвон аҳлининг барча ишлари юришиб кетибди... Ҳа, нонни улуғлаган ҳар бир одамнинг ишлари олға кетади, у ҳаётда бахтли бўлади...»

Бу улуғ ривоятни болалар ҳам, биз ҳам берилиб тингладик. Гап шундаки, «Улуғбек»да нонни қадрлаш мавзуига алоҳида эътибор берилган экан. Мавжуд 5 та гуруҳнинг ҳар бирида «Нон — муўтабар неъмат», «Нонни эъзозланг», «Тандир тўлиб ёпилди нон...», «Нонинг увоғи ҳам нон» каби бири-биридан ибратли номлар билан аталувчи бурчаклар ташкил этилган. Уларда улуғ неъмат ҳақида, унинг токи тўкин дастурхонимизга етиб келгунга қадар қилинадиган заҳматли меҳнатлари ҳақида тўлиқ тушунча берилган.

Гуруҳларда тарбияланаётган кичкинтойларга худди шу хусусда кўплаб шеърлар, эртаклар, ривоятлар ва ашулалар ўргатилаётир.

ГУЛНОРАНИНГ ТОТЛИ ТАШВИШЛАРИ

Гулнора Тошкент давлат педагогика олийгоҳининг мактабгача тарбия бўлимиулуғ ишлар амалга оширилибди. Тарбияланаётган 120 нафар кичкинтойга керакли барча шарт-шароитлар муҳайё этилибди. Мавжуд барча хоналар, дам олиш хоналари, «Эртаклар — яхшиликка етаклар» шиори остида бунёд этилган «Орзулар» хонаси, шахмат-шашка, мусиқа хонаси, боринги ҳамма-ҳаммаси миллий руҳда безатилган.

Хоналарнинг бирида бир «боғча опа» болаларга туғма қадашни ўргатаётганлигини, яна бир хонада эса яна бир «боғча опа» экинларни парвариш қилиш ҳақида сабоқ бераётганлигининг устидан чиқдик.

«Улуғбек»да бу йил илк бор биринчи синф ўқувчилари сабоқ олишаяпти. Улар шу ердан ўрта маълумот олишиб, катта ҳаёт сўқмоқларига қадам ташлайдилар.

Ўқувчиларнинг машғулотлар хоналари назаримда замон талабларидан келиб чиқилган ҳолда жиҳозланган, кичкинтойлар фан асосларини мукаммал ўрганиб боришлари учун ҳамма шароитлар яратиб берилган. Олий тоифали, тажрибали мутахассис ўқитувчи Очилхон Саидов кичкинтойларга инглиз тилидан сабоқ бераётир. Ҳаётий тажрибалардан келиб чиқилган ҳолда айтадиларки, инсон умрининг болалик онларида берилган илм тошга битилган ёзув сингари ўчмас бўлади. Ҳа шундай. Бу даврда инсоннинг илм олиш қобилияти ўта юқори бўлади. Мен «Улуғбек»да бўлган кунимда бу ҳақиқатга яна бир бор ишонгандай бўлдим. Кичкинтойлар менга инглиз тилидаги шеърларни бийрон-бийрон тилларда айтиб беришди. Хурсанд бўлдик. Кичкинтойларга ҳам, тарбиячи ва ўқитувчиларга ҳам раҳматлар айтдик.

«Тандир тўлиб ёпилди нон,
ёпилди нон, момо...

Гуруҳ раҳбари Марзия Асадова ўз гуруҳи кичкинтойларини боғча-гимназия комплекси ҳовлисидаги дарахт остидаги ўтирғичларда қалдирғоч мисол тизиб ривоят айтиб бераётган эканлар. Биз ҳам секин бориб, болалар ёнига чўкдик... «Қадим замонда, карвон саҳро бўйлаб йўл тортиб бораркан. Карвон аҳлидан бирининг қорни жуда очиб, юраги озгандай бўлибди. У белида боғланган яримта нонидан бир тишлам олиб, оғзига солаётганида нонинг бир ушоғи ерга тушиб кетибди. Бутун карвон аҳли ердан нон ушоғини қидиришибди. Афсус ушоқни топиша олмабди. Шундан сўнг улар нон ушоғи тушган ни тўгатган. Аслида уни сермашаққат ва ўта масъулиятли бу касбга етаклаган нарса ҳам унинг болаларни жондан ортиқ севишидек ички бир туғёнларидир. Ҳа, у кичкинтойларни севади, уларни ардоқлайди, қолаверса, Гулнора Ибодова, ўзининг айтишича, болалардан поклик ва беғуборликни, изланувчанлик ва ижодкорликни ўрганади. Гулнора боғча ишида катта тажриба тўплаган десак, зинҳор хато қилган бўлмаймиз. Бу борада у боғчада гуруҳ тарбиячиси, услубчи, мудира лавозимларида ишлаб, ўзига хос сабоқ эгаллаган.

Тан олиш керакки, Чироқчи тумани марказида жойлашган Улуғбек номидаги ушбу боғча-гимназия комплексининг бунёд этилишида ҳам Гулноранинг камтарона хизматлари бор. У шахсий ташаббус билан чиқиб, 10 йилдан ортиқ муддатда ўзи мудиралик қилиб келаётган «Юлдузча» болалар боғчасини елиб-югуриб боғча-гимназия комплексига айлантирди.

«...Йўлдами, бозор-ўчардами бошига дўппи, эгнига тўн кийиб, белига белбоғ боғлаб олган болаларни кўрганимда беихтиёр тўлқинланиб кетаман, ўзбеклигимдан ғурурланаман, — дейди Улуғбек номли боғча-гимназиянинг раҳбари Гулнора Ибодова. — Болаларимиз ана шу кийимда кўзга яқин кўринишади... Боғча-гимназия комплексимизга фан ва илм билан бир вақтда миллий қадриятларимизни ҳам тўлиқ олиб кирсам дея орзу қиламан...»

Мен Гулноранинг тотли ташвишларга тўла нигоҳига тикиламан. Танишларимдан бирининг унинг ҳақидаги «Кибрли аёл» деган иборасини эслайман... Йўқ, йўқ. У танишим мутлақо янглишган. Гулнорада кибр йўқ. Унда ўзбекларга хос миллий ғурур бор...

Бошқаларни билмадиму, шахсан мен ғурурли одамларни қадрлайман. Улар кўп ҳолларда адолат қайси томонда бўлса, ўша томонга оғишади. Яна битта гап. Ғурурли одамларда ҳаётда «супурги» бўлиб яшашга тоқат йўқ...

Мен «Улуғбек»дан бир олам шоду хуррамликлар билан ортга қайтдим. Мана орадан анча кунлар ўтган бўлса-да, боғча-гимназия комплексидан олган ширин таассуротларим сира хотирамдан кўтарилмайди. Ҳа, бўлар бахти бекам болалар. Булар Чироқчининг келажак чироқларидир...

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

«ЁЗУВЧИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ

«Ёзувчи» нашр этила бошлаганига эндигина бир йил тўлган бўлса-да, газета қисқа вақт оралиғида ўз ўқувчиларини топди. У фақат ижодкорлар, шоир ва ёзувчиларнинг газетасигина бўлиб қолмай, кўп сонли адабиёт мухлислари, шунингдек, она тили ва адабиётидан дарс ўтувчи муаллимларимизнинг ҳам севиб мутолаа қиладиган газетасига айланиб бормоқда. Чунки газета саҳифаларида мактабларнинг дарсликлари ва дастурларига киритилган шоир ва ёзувчилар ижоди ҳақида тўлиқ маълумотлар, уларнинг янги асарларидан намуналар ҳам мунтазам бериб борилмоқда. «Оталар ва болалар» рукни остида эса ижодкорларимизнинг шахсий ҳаётига доир маълумотлар ҳам эълон қилинаётир.

«Ёзувчи» саҳифаларида, бундан ташқари, сиз таниқли шоир ва ёзувчилар билан инсон ва жамият, адабий жараённинг муҳим қирралари хусусидаги ижодий гурунгларни, адибларнинг янги асарларини мунтазам ўқиб боришингиз мумкин. Газета «Илм — кўз қорачиғи», «Сўз юки», «Назм гулшани», «Истиқлол ва меросимиз», «Мозийдан садолар», «Хотира», «Туғён» сингари ранг-баранг рукнлар остида ўқувчиларни мунозарага, баҳс ва мушоҳадага чорловчи мақолаларни бериб боради. Сиз ўзбек футболининг янги даврдаги шаклланиш жараёни, она тирихимизнинг ёзилмаган ва ўқилмаган саҳифалари ҳақида ранг-баранг мақолалар билан танишишингиз мумкин. Шунингдек, «Ёзувчи» саҳифаларида маънавият муаммоларига доир танқидий мақолалар, адабий фельетонлар, «Жаҳон адабиёти» журналининг янги сонларида эълон қилинаётган асарлардан намуналар ҳам эълон қилинади. Китобхонларнинг ёзувчилар билан савол-жавоблари, адибларга келаётган мактублар, уларнинг шахсий архивида сақланаётган ва шу чоққача эълон қилинмаган асарлар ҳам ёритиб борилади.

Яна бир янгилик шундан иборатки, 1998 йилда газетанинг айрим сонлари саккиз саҳифали, яъни унинг ички тўрт саҳифасини букланадиган шаклда «роман-газета» қилиб чоп этиш кўзда тутилмоқда. Бундай сонларда сиз газетанинг ички саҳифасида ҳажми тўрт босма тобоққача бўлган қиссалар ва йирик бадиий асарларни тўлиқ ҳолда ўқиш имконига эга бўласиз.

ГАЗЕТАНИНГ НАШР КЎРСАТКИЧЛАРИ:
Якка обуначилар учун — 129
Ташкилотлар учун — 130.

Obuna—97

УЧРАШУВ

Республикамизда узлуксиз таълимнинг ажралмас қисми ҳисобланган газета ва журналлар сон ҳамда сифат жиҳатидан тобора такомиллашиб бормоқда. Адолатли, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлида тўртинчи ҳокимият ҳисобланмиш — оммавий ахборот воситалари ва матбуот фаолиятига булган эътибор янада узининг амалий ифодасини топмоқда. Айниқса, тарбиячи, ўқитувчи ва олий мактаб домлаларининг нашри: «Маърифат», «Учитель Узбекистана» газеталари, «Халқ таълими», «Бошланғич таълим» ва «Соғлом авлод учун» журналлари узининг аввало ўқишлилиги, тилининг содда ва равонлиги, рукнларга бойлиги, илмий-методик жиҳатдан долзарб мавзуларни ёритиб бораётганлиги билан диққатга сазовордир. «Бошланғич таълим» ва «Соғлом авлод учун» журналлари узининг йўналишига мувофиқ турли хил расм ва рангли безаклари, тасвирлари билан бевосита кўрсатмалилик вазифасини ҳам ўтаб келмоқда.

Яқинда Сирдарё вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтида вилоятнинг фаол ўқитувчилари, ҳар бир туман ва шаҳарнинг методик хона мудирлари ҳамда Гулистон Давлат университети домлалари «Халқ таълими» журналининг бош муҳаррири, профессор Жўрабой Икромов билан учрашув ўтказдилар. Учрашув чоғида Ж.Икромов журналнинг асосий фаолияти, унинг олдида турган долзарб масалалар тўғрисида учрашув қатнашчиларига атрофлича сўзлаб берди.

Амалий суҳбат чоғида журналхонлар томонидан Ж.Икромовга қизиқарли саволлар айтилиши билан биргаликда, тегишли таклиф ва истаклар ҳам билдирилди. Жумладан, Янгиер шаҳар халқ таълими бўлими методика хонасининг мудираси М.Нишонова журналнинг илмий-методик фаолиятининг ранг-баранглиги тўғрисида гапириб, илғор педагогик тажрибаларни янада кенг ёйилишини сўради. Боёвут туманинги жамоани бир-бирига янада яқинлаштирса, иккинчидан ўқилган ҳар бир мақола узига хос таҳлил ва қолаверса муҳокама қилинади. Бу эса касб фаолиятига хос жонли мулоқот шакли ҳисобланиб, узлуксиз педагогик таълим жараёнида мутахассисларнинг касб тарбияси такомиллашувида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Келаси йилда «Халқ таълими» журнали 80 ёшга киради. Бу ёшулли нашрнинг туйини муносиб кутиб олиш учун жойларда амалий учрашувлар, конференциялар ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Қарийб бир аср давомида бериб борилган энг яхши мақолалар, тавсияномалар тўғрисида муаллимлар, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг фикри журналда босилса, нашр фаолиятини янада такомиллаштиришга оид «Анкета» ишлаб чиқилса ҳамда журналнинг ҳар бир сонида «Илмий ҳаёт» рукни ташкил этилса журнал янада мазмунан бой ва ўқимишли бўлади.

Ҳабибулло АБДУКАРИМОВ,
Гулистон Давлат университетининг доценти.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Жанубий Мисрдаги қадамжолардан бирини зиёрат қилувчи хорижий сайёҳлар тушган автобусга ҳужум уюштирилган. Баъзи хабарларга кўра олтмиш киши, ҳалок бўлган. Бошқа хабарларга кўра қурбонлар сони камроқ. Миср полициясининг айтишича, қурбонларнинг кўпи японялик ва швециялик сайёҳлардир. Полициянинг айтишича, қуролланган шахслар ва бир полициячи отишмада ҳалок бўлган.

***

Британия ҳукуматининг айтишича, БМТ қуролларни назорат қилиш комиссияси аъзолари юзасидан вужудга келган муаммо ҳақидаги Ироқнинг охирги таклифлари БМТ мавқеи томон қилинган ҳаракатга хоҳиш бўлиши мумкин. Ироқ ташқи ишлари вазири Тариқ Азиз агар инспекция таркибидаги АҚШ фуқаролари сони хавфсизлик кенгашига аъзо бошқа мамлакатлар вакилларига тенг бўлса, инспекция фаолиятига қўйилган тақиқ олиб ташланиши мумкинлиги ҳақида айтган эди. Аввалроқ АҚШ, БМТ ва Франция Ироқ инспекция таркиби ҳақида буйруқ бера олмаслиги ҳақида айтган эдилар.

«ВВС» (ЛОНДОН).

***

Афғонистоннинг шимолий қисмида Толибонга қарши бўлган кучларнинг билдиришича, Толибон тарафдори жангчиларига оид икки минг киши кўмилган қабристон топилган.

***

Итар-Тасс Ахборот Агентлигининг билдиришича, Тожикистонда поезд йўлида жойлаштирилган кичик бир бомба портлаган бўлсада, ҳеч ким жароҳатланмаган. Бомба Тожикистон пойтахти Душанбени қўшни Ўзбекистон пойтахти Тошкент билан боғлайдиган темир йўлга қўйилган экан.

«Америка овози» (Вашингтон)

Andozasiz darslar

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Дунёда ҳеч нарсага яроқсиз, қодирликдан маҳрум инсон бўлмайди. Ҳолбуки, ўқувчилар орасида ҳам бирон-бир фанга қизиқмайдиган, қобилияти йўқлари топилмайди. Боладаги кўзга озгина ташланган қобилият ёки ҳаваснi устириш, уни воқелик билан омухталаштириш кўпроқ ўқитувчига боғлиқ. Шу боис ўқувчини дарсга қизиқтириш, унинг яширин имкониятларини юзага чиқариш учун машғулотларда болаликнинг ҳамроҳи бўлмиш ўйинлардан фойдаланиш ҳам тақозо этилади. Ҳозирги даврда «Мақсадли дарс», «Муаммоли дарс», «Семинар дарс» каби ўнлаб машғулот турлари пайдо бўлдики, бундай услубларни қўллаш ижобий натижа бераяпти. Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 2-лицейнинг олий тоифали математика ўқитувчиси Илҳомжон Маматқулов узоқ йиллардан буён болаларга сабоқ бериш жараёнида ана шундай хулосага келди.

Муаллим 1994-95 ўқув йилида 7-синфларга риёзиётдан дарс берганида ўқувчиларнинг шу фанга қизиқиши борлигини, лекин билим даражаси дуруст эмаслигини аниқлади. Улар муаллим назарида мустақил эмасдилар, уринли ҳис-ҳаяжонларини чегаралаб ўтирардилар. Бу, ўз-ўзидан, эмин-эркинлик, табиийликнинг йўлини тўсарди. Эркинлик йўқ жойда эса, ижодийлик бўлмайди. Ўқитувчи ана шуларни назарга олиб, машғулотларга турли ўйинларни, андозасиз услубларни, синовларда яхши натижа берган тажрибаларни олиб кирди. Айниқса, ўқувчилар билимини якка тартибда баҳолашда «Сардорлар сардорини саралаш» услуби жуда қўл келди.

Бу усул қўлланган машғулотда дастлаб икки ўқувчи қатнашади. Синф тахтасига мураккаблик даражаси тенг бўлган 4 тадан мисол ёзилади. Ёки ҳар бирига 10—12 тадан савол ёзилган иккита тест тахтаси кўрсатилади. Белгиланган икки-уч минут вақт оралиғида қайси ўқувчи топшириқни биринчи бўлиб бажариб юқори балл жамғарса, у биринчи бўлиб ўз командасини саралаб олади. (Команда таркиби ўқитувчи маслаҳатига кўра 3—5 кишидан иборат бўлиши мумкин). Сўнгра иккинчи ўқувчи шерикларининг исм-шарифини айтиш орқали чақириб олади. Улар учун «Чап» ва «Унг» томон топшириқлари кўчма доскага илиб қўйилади. Команда сардорлари аъзолар ёрдамида вазифаларни ҳал қилишга киришадилар. Берилган топшириқни олдин, тўла ва тўғри бажарган команда аъзолари иккинчи командадаги ўқувчилар йўл қўйган хатоларни тузатадилар. Зарурат туғилса, ёрдамлашади. Иккала командага ҳам умумий 60—65 балл қўйилиши керак. Аммо рақиб командининг хатоларини тўғрилаган командага эса 100 балл қўйилади. Биринчи қурашдаёқ белгиланган юқори баллни тўплай олган команда аъзоларига бир хилда «5» баҳо қўйилади. Сардор эса учта «5» олади. Агар командалардан ҳеч бири 100 балл жамғара олмаса, у ҳолда ғолиб команда биринчи бўлиб икки ўқувчини чақириб, ўз сафини 5—7 кишига қўпайтиради. Сўнгра иккинчи команда бу ихтиёрий вазифани бажаради.

Энди, ўз-ўзидан, иккинчи мусобақа бошланади. Бу қурашда қайси команда 100 балл тўплаб ғолиб бўлса, сардорга иккита, қолганларга биттадан «5» қўйилади. Иккинчи командада фаол иштирок этганларга топшириқни нечоғли тўғри, тўла бажарганига қараб «4» ва «3» қўйилади. Шундай қилиб, машғулотнинг бошланишидаги 8—10 минутда 10—12 ўқувчининг билими синаб кўрилиб, баҳоланади.

Ўқитувчи шу услубда дарсни ташкил қилиш билан бирга риёзиётга қизиқадиган ўғил-қизлар сафини кенгайтириб боради ҳамда машғулот давомидаёқ болалар билимини бирмунча юқори савияга кўтара олади. Бу услубдан дарсликдаги айрим боблар якунлангач, такрорлаш дарсларида қўлланилса, айниқса, яхши самара беради. Муаллим Илҳомжон Маматқулов ҳам шу йўсинда ўз ўқувчиларининг билим даражасини пухталашга эришаётир.

Аваз ҲАЙДАРОВ, ўз мухбиримиз.



Пойтахтимиздаги 254-гимназия мактабида таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу ерда мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимизнинг келажак авлодга кўрсатаётган ғамхўрлигига доир ибратли ишларга гувоҳ бўлиш мумкин.

СУРАТЛАРДА: 3-гимназия синфи ўқувчиси Мансур Солиҳов 1-тоифали ўқитувчи Жамила Холованинг назорати остида математикадан масала ечаяпти; Хурсаной Орифжонова 2-гимназия синфи ўқувчиларига Ватан туйғуси, Мустақиллик, она-табиатга садоқат ҳақида сўзлаб бераяпти.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ЯНГИ «ИСТИҚЛОЛ ҒУНЧАЛАРИ»

1992 йилдан бери Ўзбекистонда фаолият курсатаётган ўзбек-турк лицейларида дарслар инглиз, ўзбек ва турк тилларида олиб борилади. Бу лицей ўқувчилари халқаро олимпиадаларда муваффақият қозониб, Ўзбекистон байроғини юксак кўтарганларида, медаллар, мукофотлар олганларида янада ғурурланиб кетади киши. Чунки Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, айниқса, таълим соҳасидаги маданий ва иқтисодий алоқалар диққатга сазовор даражададир. Ўзбек-турк лицейлари Бош Мудирлиги йилда бир маротаба «Истиқлол ғунчалари» номли журнал нашр этиб, ўқувчиларни ушбу лицейларнинг фаолиятлари билан таништириб бормоқда. «Истиқлол ғунчалари»нинг яқинда чиққан 4-сони янада ранг-баранг мавзулари билан диққатни тортади. Журналнинг муқоваси саҳифаларининг бой ва қизиқарлигини кўрсатиб турибди. Бир тарафда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ўқувчилар билан суҳбати, бир тарафда Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг лицей ўқитувчи ва ўқувчилари билан учрашувида олинган суратлар, халқаро олимпиадаларда медал олган ўқувчиларнинг Ўзбекистон байроғини юксак кўтарганларини ифода этадиган сурат берилган. Саҳифалардаги мақолаларнинг сарлавҳалари кишини журнални ўқишга чақиради.

Саҳифалардан жой олган суҳбатда Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Умур Апайдин Ўзбекистон ҳақидаги илк таассуротларини шундай ифода этади: «биринчи шуни айтиб ўтишим керакки, мен ўзимни Ўзбекистонда четдан келган деб ҳисобламайман. Бу ерда ўзимни ўз Ватанимда яшаётгандай ҳис этаман. Келганимдан бери шундай туйғулар билан яшаяпман».

Лицейлар ташкил этган Навруз байрами тадбирларида Ўзбекистон Президенти матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дуст, Туркиянинг Ўзбекистондаги элчиси Умур Апайдин, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, шоир Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, лицей ходимлари ва ота-оналар иштироқ этишди. Бу ҳақдаги мақолалар журналда бериб борилади. Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевнинг халқаро олимпиадаларда медал ва мукофотларга сазовор бўлган ўқувчилар, лицей ўқитувчилари билан учрашувлари ҳақидаги хотиралари ифода этилган.

Бундан ташқари журналда лицей ўқувчиларининг халқ таълими вазири уринбосари Хайриддин Маъсудов, Тошкент давлат аграр университети ректори, проф. Х. Буриев, турк журналисти ва ёзувчиси Бешир Айваз ўғли, Самарқанд чет тиллар институти ректори, профессор Юсуф Абдуллаевлар билан қилган суҳбатлари, хусусан Туркия Буюк Миллат Мажлисининг собиқ раиси Мустафо Калемлининг Бухоро лицейига ташрифи, туркиялик бир гуруҳ журналистлар, «Янги аср» газетасидан Али Байрам ўғли, «Туркия» газетасидан Раҳим Эр, «Ҳуррият» газетасидан Атилган Баяр, «Заман» газетасидан Бешир Аваз ўғли, журналист ва ёзувчи Али Булач, Мустафо Узел, «Аксион» журналидан Мустафо Сунгур, Жаброил Чилесиз каби журналистларнинг ташрифлари, Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг рафиқаси Назмия Демирэл ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримованинг ўқувчилар қабул маросимида олинган суратлар, Ўзбекистон ва Туркия Дўстлик жамияти раиси Номиқ Камол Зейбакнинг Фарғона лицейига ташрифи, «Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ва Ўзбекистон давлат мадҳияси» номли Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси таълим маслаҳатчиси Аҳмад Севгининг мушоҳадали мақоласи урин олган. Журналда ўзбекча, туркча, инглизча шеърлар ҳам босилган. Журналнинг сўнгги саҳифасидаги суратлар ўқувчилар диққатини ўзига тортади.

Хусомиддин ОРЛИ, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети толиби, Норали ОЧИЛОВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

«АКУСТИКА» (юнонча — эшитаман) товушнинг ҳосил бўлиши, муҳитда тарқалиши ҳамда уни ўлчаш усулларини ўрганади. Товуш ёки товуш тўлқини кўпинча, эластик жисмларнинг тебраниши ёки даврий кучлар, масалан, ўзгарувчан ток тебранма ҳаракатининг муҳитда (газ, суюқлик, қаттиқ жисм ва ҳоказо) узатилиши туфайли содир бўлади.

«АНТИБИОТИК» — грекча сўз бўлиб, «анти» — «қарши», «биос» — «ҳаёт» демакдир. Масалан, кишиларнинг ҳайвонлар ва ўсимликларнинг соғлигига таъсир этиб, уларда юқумли касалликлар пайдо бўлишига сабабчи микроорганизмлар бир тараф бўлса, антагонист деб ном олганларни бир тараф дейиш мумкин. Улар ўз рақибларига қарши заҳарли моддалар ишлаб чиқаради.

Бу моддалар антибиотиклар деб аталади.

«ФИТОН» — грекчасига «ўсимлик», «циедере» эса лотинчасига «ҳалок этмоқ» дегани. Ўсимликлар чиқарадиган антибиотик «фитоннцид» деб аталади.

«СУРМА» сўзи рус тилидаги «суръма» иборасининг ўзгариб кетган шакли бўлиб, у аслида туркча «сюрме» сўзидан келиб чиққан. Сурма аввало металлдир.

Ер остидан қазиб олинадиган бу ноёб жисмнинг табиатда юздан ортиқ бирикмалари бор. Шундан фақат биттаси — уч олтингугуртли бирикмасигина пардоз буюми сифатида ишлатишга яроқлидир.

«ПОЛИГЛОТ» — аслида грекча сўз бўлиб, «кўп» ва «тил» деган икки сўздан таркиб топган, яъни кўп тил билувчи киши демакдир. Полиглотлар орасида энг машҳури Франк-Фурт-Майн шаҳрида яшовчи немис тилшуноси Л. Шютц бўлса керак. У ўз эмас, кўп эмас, балки 270 хил тилда сўзлаша олган.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

Oltin meros

ШОИРТАБИАТ ХАЛҚМИЗ

Тарихдан маълумки, ўзбек халқининг ўзига хос миллий урф-одатлари, ажойиб анъаналари бўлган. Уларда ўзга миллат вакиллари ҳам ибрат олса, урганса арзигулик умумбашарий фазилатлар мужассамлашган. Бироқ, маълум бир даврда «совет турмуш тарзи» деб аталган «аждар» пайдо бўлди-ю, халқимизнинг ижодкорлигини, эркини, урф-одатларини ямламай ютаберди. Уларнинг урнига динимизга, одоб-ахлоқимизга тўғри келмайдиган расм-русумлар тарғиб этилди. Вақт ўтиши билан мафкуравий бирёқламалик юзага келди. Бу бирёқламалик эса халқимизни ўз тарихини англаш, бой тилини эъзозлаш, урф-одатларини қадрлаш ҳиссидан ҳам маҳрум эта бошлади. Натижада дунё табобатига беҳисоб ҳисса қўшган буюк Абу Али ибн Сино, жаҳон аҳамиятига молик «Ал-Жабр вал мукобала» фани асосчиси Хоразмий каби кўплаб улуғларни яратган халқимиз ўзлигини унутди. Ижодкорлигини, ўзига хос шоиртабиатлигини ҳам унута борди.

Агар халқимизнинг қадимий урф-одатлари, ҳаёт тарзига ақл кўзи билан разм солсак, тасаввуримизда қайноқ, жўшқин ижод булоғи гавдаланади... Неча-неча буюк шоирларимиз, машҳур бахшиларимизу, алломаларимиз ана шу ҳаёт булоғидан сув ичиб, камол топганлигини кўрамиз.

Ҳа, халқимиз қадимдан шеърсевар, санъаткор бўлган. Ўзбек ўзларининг ижодий қобилиятларини ҳамма жойда — меҳнатда ҳам, тўй-маъракаларда ҳам, азада ҳам намоён этишган. Маънавий бойлик — ранг-баранг қўшиқлар яратишган. Оилада гўдак туғилганидан тортиб улғайгунча, токи ҳаётдан кўз юмишигача у қўшиқ билан ҳамнафас яшаган. Келинг, қадим халқимиз ҳаётини бир эслаб кўрайлик.

Абу Али ибн Сино, «Гўдакнинг танасини чиниқтириш учун икки нарса зарур: бири уни аста қимирлатиб тебратиш, иккинчиси она қўшиғи. Биринчиси боланинг танасига зарур, иккинчиси руҳий озуқа бўлади» деган. Шунга амал қилиб, жуда хилма-хил, сержило аллалар яратилган:

Алла десам, бор бўлгил, алла,
Менга номус-ор бўлгил, алла.
Катта бўлган чоғингда, алла,
Халққа вафодор бўлгил, алла.

Она алла орқали мурғак қалбга меҳру муҳаббат, эзгулик, имон-эътиқод каби ҳисларни жо этиб борган. Чақалокни биринчи бор бешикка солиш ҳам қўшиқсиз ўтмаган:

Шутина жоним, бир жоним,
Бўйнимдаги маржоним.
Худо берди севсин, деб
Олтин бешикка кирсин, деб.

Болани бешикдан олишда ҳам ҳар хил эркаловчи халқ қўшиқлари куйланган:

Тақ-туқи гавора бўлсин,
Душмани овора бўлсин.
Уйқуси бешикда қолсин,
Душмани эшикда қолсин.

Гўдак тарбиясида қўшиқлар билан бирга халқ табобати ҳам алоҳида эътиборда бўлган. Бу иш ҳам ўйноқи қўшиқлар билан бажарилиб, дилга маънавий озуқа берилган:

Исириқ донаю дона,
Тутиндан тўлсин хона.
Куя қолсин ҳасадли кўз,
Кўча қолсин ғаразли кўз.
Кўчсин, кўчсин, чўлга кетсин,
Оқсин, оқсин, кўлга оқсин,
Болагинам яшнаб-боқсин!

Халқ қўшиқлари ҳам бола билан улғайиб, мукаммаллашиб борган. Хусусан, гўдак беш кунлик бўлганида айтиладиган қўшиқларнинг бири куйидагича ифодаланади:

Бешдан ўтди, тоқдан ўтди,
Эски тегирмондан ўтди.
Чориқ кечиб, чўлдан ўтди,
Онасининг кўз мунчоғи,
Отасининг овунчоғи.

Хуллас, чақалоқ тўққиз кунлик бўлганида, тиши кўринганда, ўтирадиган бўлганда, илк бор юрганида ва ҳоказоларда ўхшатиш, сифатлашларга бой қўшиқлар ижод қилиниб, ижро этилган. Эркалаш қўшиқлари орқали ҳам бола одамийлик, гўзаллик оламига муҳаббат руҳида тарбиялаб борилган:

Анти бору, анти бор,
Лабида шакар, қанти бор.
Тамоқчаси тагида
Яна ширин қанти бор.

Ёки;

Яхши болам, яхши,
Тўйига келар бахши.
Бахшилардан қолишмас
Ўзимнинг болам яхши.

Уз-ўзидан маълумки, шеър-қўшиқ билан уйғун тарзда улғайган бола қалбига ижодкорлик, санъаткорлик ҳислари сингади.

Шундан сўнг бола ҳаётида мавсум ва маросим қўшиқларига дуч келган. Натижада ундаги ижодий қобилият янада ривожланиб борган. Жажживой бора-бора дўстлари билан қиш, баҳор ва ёзу кўз фасллари ҳақидаги айтишувларда қатнашиб, биргаликда қўшиқ куйлашган:

Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди.
Айронингдан бермасанг,
Қозонларинг вайронди.
Қаттиқ ердан юмалаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юғуриб чиққан бойчечак.

Шундай қилиб, бола улғайган сайин унинг қалбида, хотирасида кўплаб қўшиқлар муҳрланиб қола борган. Қўшиқлар мундарижаси жуда ранго-ранг бўлган. «Читти гул», «Бинафша», «Тойчоғим», «Лайлак келди», «Какликжон», «Оймома» ва ҳоказо.

Ҳа, илгариги аждодларимиз ана шундай шоиртабиат, санъаткор бўлишган. Улар оғир меҳнат машаққатларини ҳам, ғаму ташвишларни ҳам қўшиқ билан енгишган. Қўшиқ билан кулиб, қўшиқ билан йиғлашган. Деҳқончилик, чорвачилик хусусида ҳар хил қўшиқлар юзага келган. Қуш ҳайдаш қўшиқлари куйидагича куйланган:

Ўроқ ўрмоқ — солмоқ-солмоқ,
Қўш ҳайдамоқ — бормоқ-келмоқ.
Ҳаммасидан қийин экан,
Эй, ҳўкизим, рўзғор қурмоқ

Ёки:

Ҳўп ҳайда-ё, ҳўп ҳайда,
Қалқон қулоғим, ҳайда,
Темир туёғим ҳайда.
Остингда қолган донни
Оёғинг қилсин майда.

Хотин-қизлар рўзғор юмушларини бажариш, сигир соғиш ишларида ҳам ўзларига хос овоз билан қўшиқ куйлаб, жониворни сеҳрлаб қўйишган:

Сепи сийлаб боқайин,
Кўзмунчоқлар тақайин,
Қуралай кўз говмишим
Тўёқлари қумушим.
Зотли молим хўш-хўш,
Сутли молим хўш-хўш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қадим аждодларимиз ҳар қадамини қўшиқ билан ташлаб, ҳар нафасини қўшиқ билан олган. Ижоди булоқдек қайнаб, нафис, бадиий бақувват шеърлар юзага келаверган. Маълумки, адибларимиз шеър, қўшиқни ахлоқий гўзалликка тенглаштирган. Демак, унинг ижодкорлари — халқимизнинг дили пок, ахлоқи гўзал, тили ширали ва покиза бўлган. Шундай экан, ижтимоий фикр уйғоқлиги ва ўзлигимизни таниш жараёнига кенг йўл очилган бугунги кунда қадим аждодларимиз ижоди булоғининг кўзини очмоғимиз, шу билан ўзлигимизга қайтмоғимиз зарур. Бунинг учун эса ташкилотлар, маданий муассасалар ва мактабларда халқимизнинг унутилган ижодини қайта жонлантирадиган кўриклар ташкил этиш керак, деб ўйлайман. «Алла», «Бешик қўшиқлари», деҳқончилик, чорвачилик ҳамда турли касб-ҳунарларга оид ранго-ранг кўрик-танловлар ўтказилиб турилса, йўқотган маънавий бойлигимиз ўз-ўзидан қайта топилади.

Солижон ХУДОЁРОВ, Нуробод туман халқ таълими бўлими она тили ва адабиёти ҳамда руҳшунослик фанлари услубчиси.

Fanimizi fidoyilari

КИЧИК АКАДЕМИЯНИНГ КАТТА АКАДЕМИГИ

Таниқли олим, академик Тошпўлат Ширинқуловни иншоотлар қурилмаларининг мустаҳкамлик ва вақт бўйича чидамлилигини таъминлаш соҳасида янги йўналишга эга бўлган ўз мактабини яратган аллома сифатида кўпчилик билишади.

Ўзини доимо юрт олдида қарздор билган бу инсон Қўшработ туманининг Тегирмон овулида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатиб Т. Ширинқулов А. Навоий номли ўзбек давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг механика-математика факультетига ўқишга киради ва уни 1960 йилда имтиёзли диплом билан тугатади. 1960-1975 йилларда у ЎзФА механика институтида катта лаборант, кичик илмий ходим, ТошПИда кафедра мудири ва декан лавозимларида фаолият кўрсатди.

Унинг кўп йиллик тадқиқотлари 130 дан ортиқ илмий мақолаларида, шунингдек, 4 та монографиясида ўз аксини топган.

Т. Ширинқулов республикада фан ва олий таълимнинг йирик ташкилотчиларидан ҳисобланади. Унинг бу қобилияти, айниқса, Самарқанд давлат меъморчилик қурилиш институтида ректорлик қилган пайтларида (1975-1986) ёрқин намоён бўлди. Қисқа муддат ичида институтда бош ўқув биноси, ўқитувчилар ва ходимлар учун 2 та кўп қаватли турар жой бинолари, 411 ўринли ётоқхона, 100 ўринли санаторий-профилакторий ва Миронқул қишлоғида спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари қуриб, ишга туширилди.

У ЎзФА Самарқанд бўлимининг ташкилотчиларидан бири ва унинг биринчи раҳбаридир. Бу ерда ҳозир 20 дан ортиқ илмий лабораторияларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

1995 йилда Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда у истеъдодли ёшлар учун кичик академияни ташкил этди.

Т. Ширинқулов бир неча бор хорижий давлатлар, жумладан, Япония, Ҳиндистон, Эрон, Швеция ва АҚШ ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида ўқитувчилик қилиб, ўзбекларнинг ҳаётини ва ижодини ўрганиш, ўзбек ва рус тилларини ўрганиш ишларини ташкил эт

Ko'ngil bitiklari

ҚАБР ҚОШИДА

Мен — унсиз тош қотган мунгли бир нидо.
Ипсиз боғлаб қўйган бу ерга тақдир.
Сизларни соғиниб бўлсам мен адо,
Илиқ бир тупроққа очяпман, бағир.
Булутлар тўлғанар, дардларимсимон.
Яшил майсаларни қучади титроқ.
Онам қалби каби тиникдир осмон
Унсиз дардларимдек тўкилади оҳ...
Энди сезгандекман бунинг сирини,
Мен — гўё уйқудан кўз очган Ҳамал,
Отам, онам унга тўккан меҳрини,
Улар чечак бўлиб очилди ял-ял...
Руҳим енгил тортди — баландпарвоз қуш,
Онажон, ёдингиз бахш этиб мадад,
Парвоз этарканман мисоли Ҳаққуш
Бизни қўллаб турсин руҳингиз абад.

ШАМОЛ

Нафис чайқалади нозик навниҳол...
Рақсидан сел бўлиб сураман хаёл:
«Ҳоли не кечарди шундоқ ҳам биркам —
Дунёни эркалаб турмасанг, Шамол?

Сендандир сой, анҳор нурли тўлқини,
Поёнсиз буғдойзор сирли тўлқини
Балки аллақачон кул босар эди —
Гар «пуфлаб» турмасанг қалбим чўғини?

Олмоқчи бўлгандек дардчил суҳбатим,
Бир-бир варақлайсан хотирам қатин.
Не учун жавобин олиб келмайсан
Дилдорга йўллаган саноқсиз хатим?

«Чирт-чирт» уз дарахтлар хазонларини,
«Чирт-чирт» юл юраклар армонларини,
Умид қуёшининг юзини очиб,
Ҳайдаб кет булутлар карвонларини.

ТЎРТЛИК

Тик туриб ухлар от, гап мазмунидан:
«Тезроқ уйғонай, деб қийнармиш жонни.
...Ғафлат уйқусининг узоқ тунидан —
Афзалдир лаҳза уйғоқлиқ они.

ВАТАН

Эл кезарман мен, гарчанд.
Учиб турар юлдузим...
Киндик қоним тўкилган —
Жойда қолар илдизим.

Боғу роғим Ватандур,
Жаннатмакон гулшандур.
Попукилдиз, ўқилдиз —
Томирларим терандур.

Шундан қалбим баланддур.
Қалбим гулга монанддур.
Илдизларим аждодлар
Илдизига пайванддур.

Ўйлар палак отади...
Меҳр — ихлос ортади.
Йироқласам соғинчи
Оҳанграбо — тортади.

Дард йўқ Ватан ҳажридай
Шабнами ҳам мисли май
Ўз юртимда илдиз ё,
Анор бўлиб кўмилай!..

Машраб РАҲМОН Али.
Шаҳрихон тумани.

Tavsiya

ЎЛКАМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ



Жонажон ўлка бўйлаб сайрлар одат тусига кириб, ҳар йили миллионга яқин болалар ва ёшлар саёҳатларда қатнашади. Ўлка бўйлаб сафарлар ўқувчи гуруҳларини мустаҳкамлаб, уларнинг яхши ўқишига ёрдам беради. Болалар ўқитувчининг синфда, етакчининг йиғинда гапиргани, китоблар, ойномалар ва рўзномаларда ўқиганларини сайр вақтида ўз кўзи билан кўради.

Ёш сайёҳларнинг сайр вақтидаги ёзувлари, кундалик дафтари, расмлари ўз Ватанига, халқига муҳаббатини акс эттиради.

Сафарлар натижасида мактаб музейлари, махсус хоналар, лабораториялар, турли-туман минераллар, ўсимликлар, ҳашаротлар коллекциялари билан, кўпчилик ўлкашунослик музейлари эса — археологик топилмалар, маҳаллий ҳунармандчилик саноати нусхалари билан тўлади.

Бироқ, ҳамма болалар ўз жонажон ўлкасини ўрганадими? Ўзи яшайдиган ўлка ўрмонларидаги қушлар, ҳайвонларни биладиларми? Бу ерда қандай дарахтлар ўсади, дарё, кўлларда қандай балиқлар яшайди ва сувлар қаерга оқишини, туман ҳунармандчилиги, фойдали қазилма бойликлари, унда яшовчи машҳур кишилар, фахрийларни биладиларми?

Етакчининг вазифаси — ҳар бир болани ўлка бўйлаб сафарларга тортишдир. Бундаги мақсад — фақат ёш сайёҳлар сонини кўпайтириш эмас, балки жонажон ўлка бўйлаб сайрларни мазмунли ва қизиқарли ўтказишдир. Бунга эришиш учун бошлиқнинг ўзи бўлажак сайру саёҳатларга яхши тайёрланиши керак.

Болалар ва ўқувчилар жонажон ўлка бўйлаб сафарлар қилиб, бир қатор қизиқарли кузатишлар олиб боради. Улар ўлканинг бугуни ва бўлажак кунини кўриб, унинг тарихи, табиат бойликлари ва келажакдаги ривожланишини ўрганадилар.

Саёҳат пайтида ёш сайёҳларга туманнинг табиат бойликлари ва диққатга сазовор жойлари, ўтмиши ва келажаги, унинг тарихий ва бунёдкорлик ёдгорликлари, иқтисодий ривожланиши ҳақида туманнинг кўзга кўринган кишилари, ўқитувчилари, қишлоқ хўжалик ва саноатининг илғорлари, маҳаллий ўлкашунослар, геологлар, олимлар, овчилар, балиқчилар, ўрмончилар, ўз ўлкасини яхши билувчилар тушунтиради.

Олимлар, ёзувчилар, шоирларнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ жойларга болаларнинг қилган сафарлари катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Ушбу сафарлар табиат тажриба станциясига, жамоа хўжаликлари, маҳаллий саноат фабрикалари ва заводлари, ўрмончилик хўжалиги, қўриқхоналарга уюштирилиши мумкин. Тарихга қизиқувчи болаларни жойлардаги тарихий ёдгорликлар ўзига тортади. Узоқ ўтмишдаги ёдгорликлар — бунёдкорлик, қурилишлар, бузилган қалъалар, қадимги мудофаа иншотлари, тепаликлар, ҳар хил хотира тахталари ёш сайёҳларга кўп нарсани айтиб беради. Шу маънода ўқитувчининг вазифаси — болаларни ушбу ёдгорликлар тилини тушунишга ўргатишдир.

Шунингдек, ўқувчилар ва болалар ўлка бўйлаб сафар вақтида фойдали қазилма бойликларини топишга ҳам ўз улушларини қўшиб келмоқдалар.

Одам ҳаётини табиатсиз тушуниш қийин. Ўсимлик одамга турар жой, кийим, қоғоз, ёқилғи, дорилар ва бошқа кўп нарса беради. Шунинг учун ҳар бир бола ва ўқувчи ўз ўлкасининг ўсимликларини яхши билиши керак.

Жонажон ўлка ҳавзалари, далалари, ўрмонларида яшовчи ҳашаротлар ҳаётини ўрганиш — ёш табиатни ўрганувчилар учун қизиқарли кузатишлар ва кашфиётлар қилиш мумкинлигини туғдиради.

Саёҳатлар ва сайрлар пайтида турли хил минераллар, ҳашаротлар, ўсимликлар учун гербарий коллекцияларини йиғиб, қизиқарли фотоасар ва чизмалар қилиш мумкин. Бу материалларнинг барчаси ва сайрлар таснифи мактаб ва маҳаллий ўлкашунослик музейларига яхши совға бўлади.

Табиатни ўрганиш ёш сайёҳлар савиясини ошириб, уларнинг кузатувчанлигини кенгайтиради. Жуғрофия ва табиатшунос мутахассислар етакчига табиатга сайрлар ўтказишга ёрдамлашиши керак.

Республиканинг сайёҳлик йўлкалари Чимён, Чорбоғ, Оқсоқота, Паркент, Зомин, Китоб, Шаҳрисабз, Шоҳимардон, Самарқанд, Зарафшон, Сариқчелак қўриқхонаси ва Сурхондарё минтақа табиат таснифлари ва диққатга сазовор жойларини ўрганиш учун сафарлар, сайрлар, экспедицияларга чиқишга чақирамиз.

Б. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
республика Ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази услубчиси.

Абдул Ғани ЖУМА олган суратлар.

Xullas...

ЯНА ЧЕКИШ ҲАҚИДА

АҚШ Президенти Билл Клинтон чекишга қарши кенг тарғибот олиб бораётгани, ҳатто шу мавзуда бир неча бор оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилаётгани ҳақида эшитгандирсиз, ҳойнаҳой? Яқинда ушбу савобли тарғиботга Америкадаги тамаки ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи катта бир фирманинг раҳбари ҳам бош қўшди. Чунки бу зот чекиш туфайли ўз бошига рак балосини орттириб олганлиги-да. Айни кунда у ўз хатосини англаб етган, бироқ... ҳозирча ўз касбини ташлаган эмас. Афсус...

АҚЛ ЁШДА ЭМАС...

Ҳа, бу ҳикматли гапни кўп эшитганмиз. Зеро, унинг ҳаётий эканлигига бу кўҳна оламда мисоллар ғуж-ғуж. Хусусан, фанга «электр қуввати» тушунчасини олиб кирган машҳур фаранг олими Андре Ампер шахсига бир назар ташлайлик. У ўта кетган китоб «жинни»си бўлган. Мустақил рави.шда алгебра ва геометрияни ўзлаштириб олган, лотин тилида бемалол гаплашган. Энг ҳайратланарлиси шундаки, Андре Ампер 1788 йили Лион фанлар академиясига математика соҳасидаги биринчи илмий ишини тавсия қилганда бор-йўғи 13 ёшда бўлган...

МОДЕЛЬЕРНИНГ МЕРОСХЎРИ

Италиялик дунёга машҳур модельер — Жанни Версаченинг кўп миллардлик мулкига 11 яшар жияни Аллегра меросхўр бўлиб қолди. Жанни Версаче бундай ғоят катта бойликни қандай қўлга киритгани ҳеч кимга сир эмас, албатта. Дунёнинг қай бир бурчагида бўлмасин, «Жанни Версаче» белгиси туширилган товар билан савдо қилувчи дўконлар, расталар борки, барчаси мана шу италиялик модельер ташкил этган Холдинг компаниясига улуш тўлаб туради. (Бизнинг Отчопардаги ёймачилар ҳам бундан мустасно эмас). Энг ажабланарлиси шундаки, машҳур модельер Жанни Версаче фожиали ўлимидан тахминан уч-тўрт ой аввал ўз жиянига мулкини мерос қолдиришни ҳақида васиятнома ёзган. Наҳотки, у ўз ўлимини олдиндан сезган бўлса?..

ana shunaqa gaplar

Sport

«ПАХТАКОР» ЯРИМ ФИНАЛДА

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати ниҳоясига етганлигини аввалги хабарларимизда маълум қилган эдик. Кубок учрашувлари эса ҳали давом этмоқда. 1/4 финалда «Пахтакор»чилар Тошкент вилоятининг «Дўстлик» командасини қабул қилди ва 3:2 ҳисобида ғалаба қилиб ярим финалга чиқди.

МИРЖАЛОЛ ТЕЛЕВИЗОРЛИК, ШИРШОВ ЎҒИЛЛИК БЎЛДИ

«Пахтакор» — «Дўстлик» учрашувининг энг яхши ўйинчиси сифатида Миржалол Қосимовга телевизор совға қилинди. Шу куни тошкентликларнинг яна бир аъзоси инсоният оламидаги энг катта ва қувончли совғани қўлга киритди — Николай Ширшовга рафиқаси қўзичоқдек ўғил туғиб берди.

«СПАРТАК» — ЧЕМПИОН!

Россияда футбол бўйича ички чемпионат ниҳоясига етди. Москванинг «Спартак» командаси бешинчи марта Россия чемпиони деган шарафли номга эришдилар. Команда раҳбари Олег Романцев журналистларга интервью берар экан, келгуси йили Европа чемпионлар лигасида қатнашиб, ғолиб чиқиш учун бугун қулай имконият борлигини айтиб ўтди.

ИТАЛИЯ — РОССИЯ — 1:0 (1:1)

Жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувлари давом этмоқда. Яқинда Италия терма командаси ўз майдонида Россияни қабул қилди ва 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб Франция йўлланмасини қўлга киритди. Россияликлар эса 2002 йилги жаҳон чемпионатигача сабр қиладиган бўлишди.

ҚОТИЛ НОАНИҚЛИГИЧА ҚОЛДИ

Ноябрнинг ўрталарида бўлиб ўтган «Кремль кубоги» теннис мусобақасида ҳали ҳеч бир мамлакатда юз бермаган воқеа содир этилди. Кимдир кубок баҳслари бошланмасдан сал илгари постда турган милиционерлардан бирини ўлдириб, жасадини кортнинг қоқ ўртасида қолдирди ва қочиб қолди. Жиноятчи ҳозирча топилгани йўқ.

maydonchasi

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

Боғчадан қайтган Азимжонга онаси йўлакда тайинлади:

— Болажоним, тўполон қилмагин-а, уйда меҳмонлар бор.

— Ойижон нима? Улар ухлашаяптими?..

* * *

— Ойижон, совун билан пиёз бир хилда-я?

— Нега унақа деяпсан, қизалоғим?

— Ахир иккаласи ҳам кўзни ачиштиради-ку...

* * *

Болакай бир бош пиёзни олди-да, пакки пичоқ билан авайлаб қатларини ажрата бошлади. Буни кўриб онаси сўради:

— Ҳой, нима қилаяпсан?

— Дадамлар айтдилар: Паст-паст бўйи бор, Етти қават тўни бор, деб. Тўғримикан деб текшираяпман, — деди болакай, кўз ёшларини артар экан.

Ф.ОРИПОВ.

ЭҲ, КАТТАЛАР, КАТТАЛАР!

Afsus

Ҳозир кўпинча катталарнинг: **«Ҳозирги ёшлар бузилиб кетган, катталарни ҳурмат қилмайди, жуда ҳам тарбиясиз бўлиб кетишган»,** — деб нолишганини эшитиб қоламиз. Хўш, бунга ким айбдор? Менинг фикримча, бунга, аввало, катталарнинг ўзлари айбдорлар деб ўйлайман. Чунки улар ёшларга етарли таълим-тарбияни бера олмаяптилар. Катталарнинг ёшларга кўр-кўрона нотўғри тарбиялаётганликларини ҳар ерда: кўчакўйда, тўйларда, автобусларда, оилада ва яна бошқа-бошқа ерларда учратиш мумкин. Бола эса кўп ҳолда айтганингни эмас, кўрганини қилади.

Бир куни мени бир воқеа қаттиқ ларзага солди. Одатдагидек эрталаб ишга кетаётган эдим. Автобус тўла, аммо жуда тирбанд эмас. Ҳозирги «Мерседес» автобусларини жуда яхши биласиз. Жуда қулай, бунинг устига шинам, шовқинсиз ва ҳечам чарчатмай бир зумда манзилингизга етказади. Мана шу автобуснинг орқа ўриндиқларини асосан узоққа борадиган йўловчи ёшлар эгаллаб олишларини ҳам жуда яхши билсангиз керак. Навбатдаги бекатларнинг бирида ёши улуғ бир аёл чиқди ва узоққа борадигандек мана шу орқа ўриндиқлар томон сурилди. Шундай ўриндиқларнинг бирида кексароқ бир аёл 12-13 ёшлар чамасидаги набираси билан ўтирарди. Бояги чиққан аёл эса деярли уларнинг ёнгинасида турарди. Бир-икки бекат жим кетдим. На набира туриб жой берди ва на бувиси унга жой бериши кераклигини айтди. Уларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим:

— Ҳой, йигитча, мана бу аёлга жой бер...

Гапимни тугатмасимданоқ набирадан олдин бувиси гапира кетди:

— Қандай туради, ахир, олдидаги сумкасини кўрмаяпсизми? Ҳечам тура олмайди.

Бу гапни эшитиб мен лол қолдим ва чидаб туролмадим. Тик турган аёл эса ҳижолатдан:

— Кўяверинг, ҳечқиси йўқ. Ҳозир жой бўшаб қолар, — деди.

— Уялинг-е, шу гапни гапиргунча уялсангиз бўларди. Набирангизнинг ўзи тургиси йўқ. Агар туришни хоҳлаганда қандай қилиб бўлса ҳам туриб жой берарди. Мана шунақа қилиб болаларга ўзимиз тарбия берамизда сўнг «ёшларда инсоф йўқ», дея айюҳаннос соламиз. Балли-ей. Агар сизга жой беришмаганда нима қилардингиз? Талашиб бўлса ҳам жой талаб қилиб олардингиз, — дедим. Бу гапим алам қилди шекилли жағи тинмай жаврай кетди. Индамадим. Чунки бу аёлга гап тушунтиришнинг ҳожати йўқлигини англаб етгандим. Олдинги ўриндиқдаги ўрта яшар аёл жой берди-ю буви ҳам гапиришдан тўхтади. Набира эса индамай ўтираверди, лоақал уялмади ҳам.

Бундай ҳоллар кўп бўлиб туради. Яна бир мисол: кечки пайт, ҳамма ишдан қайтаётгандаги автобусларнинг қанчалик тирбанд бўлишини биласиз. Айниқса, Тошкентнинг Юнусобод мавзеси томонга юрадиган автобусларнинг деярли барчасида мана шунақа аҳволни кузатиш мумкин. Яна одатдагидек «Мерседес» автобусига амаллаб чиқиб олдим. Охирги бекатгача борганим учун орқа тарафга ўтишга ҳаракат қилдим, аммо бунинг ҳеч иложи йўқ эди. Бир-икки бекат юргач озроқ ичкарига сурилиб олдим. Ёнимда бир ёшгина ҳомиладор аёл турарди. Бечора, автобуснинг тиқилинчлигидан ўзини эмас, ҳомиласини эҳтиёт қилишга ҳаракат қиларди. Лекин бунинг иложини қилолмасди. Шундоқкина олдидаги ўриндиқда эса ёши 25-30лар атрофида бир қиз ўтирарди, аммо туриб жой беришни хаёлига ҳам келтирмасди. Мен бунга чидаб туролмадим. Одамлар эса ҳар бекатда туртиб-туртиб ўтиб кетишарди.

— Яхши қиз, мана бу ҳомиладор экан, илтимос жой беринг, бечора жуда қийналиб кетди, — дедим.

Унинг ёнида ўтирган онаси экан шекилли, унинг ўрнига гапира кетди:

— Яқинда операциядан чиққан, бунга туриб кетиш мумкин эмас. Ҳаммага гапираверишкерак-ми? — дедию тескари қараб олди.

Бояги ўтирган қиз эса миқ этмади, чунки унинг соғломлиги кўриниб турарди, ёлғон гапиргиси келмади шекилли, индамади.

Мен ҳам ўз навбатида жим тура олмадим:

— Уялинг-ей, ахир сиз аёлсиз-ку, ўзингиз ҳам ҳомиладор бўлгандирсиз. Буни сизга тушунтиришнинг ҳожати йўқдир. Ахир операциядан кейин туриш мумкин бўлмаса, сиз жой бермасангиз бўлмайдими? Ахир сиз ҳам жуда қари эмассиз-ку?

Барибир турмади, бунинг устига жағи ҳам тингани йўқ. Бундай ҳолатларга кўпчилик ўрганиб қолган, эътибор ҳам бермайди. Лекин буларнинг ҳаммаси тарбия эмасми, эртага бундай ёшлардан нимани кутиш мумкин? Бундай ёшлардан қандай қилиб инсоф ва ҳурмат талаб қилишимиз мумкин? Ахир улар фақат ўзлари ҳақида ўйлайдиган, худбин, қўпол бўлиб етишмайдиларми?

Диллола НУРМАТОВА.

Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети жамоаси шу университет қошидаги лицейнинг тарих ўқитувчиси, доцент Турғун Тошпўлатовга ўғли ва физика ўқитувчиси Матлуба Миртурсуновага укаси Анвар ТОШПЎЛАТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти жамоаси шу институт фалсафа кафедрасининг доценти Машраб Ортиқхўжаевга опаси Лутфия ОХУН қизининг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0749. Тиражи 21.111. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6